

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 786-ҳадис

786/1571 – عَنْ عِمْرَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: تَمَتَّعْنَا عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ،

فَتَزَلَّ الْقُرْآنُ، قَالَ رَجُلٌ بِرَأْيِهِ مَا شَاءَ.

786.1571. Имрон розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида таматтуъ қилдик. Шунда Қуръон нозил бўлди. Кейин эса бир киши ўз фикри билан хоҳлаганини айтди»*.

* «Қуръон нозил бўлди» деганда «...ким умрадан ҳажгача баҳраланган (яъни таматтуъ қилган) бўлса, унга муяссар бўлган ҳадий (вожиб)» ояти назарда тутилган, чунки Қуръон сўзи Қуръоннинг ҳаммаси учун ҳам, бир қисми учун ҳам ишлатилаверади. Мазкур оятда таматтуъ ҳажининг жоизлигига очиқ-ойдин далил бор. Имрон розияллоху анҳу шуни айтмоқчи. Аммо Умар розияллоху анҳу халифалик даврида кишиларни таматтуъ ҳажидан қайтарган. Бу у кишининг ижтиҳоди бўлиб, у киши таматтуъ ҳажини ўша оят нозил бўлган йилга хос ҳукм деб билган ёки шароит шуни тақозо қилган. Кўпчилик шориҳларнинг айтишича, Имрон розияллоху анҳу «Кейин эса бир киши...» деганда Умар розияллоху анҳуни назарда тутган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI